

## ХИТОЙДА “ЯНГИ ШЕЪРИЯТ” ИНҚИЛОБНИНГ ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

**Очиллов Озоджон Мардиевич**

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Хитой филологияси кафедраси доценти, PhD

[ozodochilov85@gmail.com](mailto:ozodochilov85@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

*19-асрнинг охирларига келиб Хитойда инқилобий ҳаракатлар пайдо бўла бошлади, жумладан адабиётда ҳам. Бу даврда хитой адабиёти, хусусан шеърияти инқилобий ислохотларга кучли зарурият сезди. Бир гуруҳ зиёли адиблар томонидан ислохотларни амалга оширишнинг ғоявий асослари таклиф қилина бошланди, натижада ғоялар уйғунлашди ва шеърият инқилоби юзага келди. Мақолада айнан шеърият инқилоби юзага келишига асос бўлган ғоялар, қарашлар таҳлил қилинади.*

**Таянч тушунчалар:** шеърият, янги шеърият, услуб, вэньян, байхуа, ислохот, инқилоб, янги бадиий концепциялар, фольклор.

### АННОТАЦИЯ

*К концу 19 века в Китае стали появляться революционные движения, в том числе и в литературе. К этому времени китайская литература, особенно поэзия, почувствовала острую потребность в революционных преобразованиях. Группа писателей-интеллектуалов стала предлагать идеологическую основу для проведения реформ, в результате чего идеи были согласованы и произошла поэтическая революция. В статье анализируются идеи и взгляды, лежащие в основе поэтической революции.*

**Ключевые понятия:** поэзия, новая поэзия, стиль, вэньян, байхуа, реформа, революция, новые художественные концепции, фольклор.

### ABSTRACT

*Chinese literature, especially poetry, began to feel the need for revolutionary reforms by the end of the 19<sup>th</sup> century, as well as the emergence of revolutionary movements. The ideology of reform was proposed by a group of intellectual writers, which resulted in the harmonization of ideas and the creation of a poetry revolution. This article examines the ideas and views that have led to the poetry revolution.*

**Keywords and expressions:** poetry, new poetry, style, wenyuan, baihua, reform, revolution, new artistic concepts, folklore.

## **КИРИШ**

19-асрнинг охирларига келиб Хитойда инқилобий ҳаракатлар пайдо бўла бошлади, жумладан адабиётда ҳам. Бу даврда хитой адабиёти, хусусан шеърияти инқилобий ислоҳотларга кучли зарурият сизди. Бир гуруҳ зиёли адиблар томонидан ислоҳотларни амалга оширишнинг ғоявий асослари таклиф қилина бошланди, натижада ғоялар уйғунлашди ва шеърият инқилоби юзага келди. Мақолада айнан шеърият инқилоби юзага келишига асос бўлган ғоялар, қарашлар таҳлил қилинади.

## **АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР**

Хитой маърифатпарвар зиёлилари Хуанг Зунсян, Лянг Чичао, Чю Тинг Лянг кабиларнинг асарлари методологик манба сифатида фойдаланилди. Мазкур мақолани таҳлил қилиш жараёнида илмий билишнинг тарихийлик, мантиқийлик, анализ, синтез, ва объективлик усулларидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида хитой маърифатпарвар адиблари томонидан илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг шеърият инқилобининг юзага келиш омили сифатида таҳлилга тортилди.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

XIX аср охирига келиб Хитойда мавжуд сиёсий тизим ва ахлоқий тартиб мисли кўрилмаган муаммоларга дуч келди ва анъанавий жамиятдан замонавий жамиятга ўтишнинг мураккаб босқичи бошланди. Бу ўринда адабиёт бутун жамиятнинг узвий бўлаги сифатида жараёнлардан четда туриши мумкин эмас эди. Хитой баддий адабиётининг муҳим қисми анъанавий тушунчаларнинг асосий ташувчиси бўлган эски услубдаги шеърият ҳам замон ўзгаришларининг шиддатли таъсирини бошидан кечириб, янгиланишга кучли эҳтиёж сезмоқда эди.

Анъанавий хитой шеъриятининг минг йилликлар давомидаги ривожланиш жараёнида қатъий қоидаларга бўйсўндирилган ва моделлаштирилган услублар парадигмалари ва баддий-эстетик дид мажмуи шаклланди. Чинг империясининг сўнгги йилларида юзага келган “Шеърият инқилоби” жараёнларида хитой эски услуб шеърияти лексик, грамматик, ритмик, структур ва бошқа шу каби жиҳатлардан турли даражадаги назарий, меъёрий танлов қаршисида қолганлигини кузатиш мумкин.

Хуанг Зунсян Европа, Америка ва Японияга бўлган ташрифлари давомида хориж тил сиёсатини ўрганар экан, шундай ғояни илгари суради: “Бугун хитойлик деҳқонлар, ишчилар, тужжорлар, оддий аёллар, ёшлар бу тил ва

ёзувдан кенг фойдаланишини истасак, уларга албатта содда усулларни тақдим қилишимиз керак... Ўз шеваларида китоблар битсин”[1;116]. 1897 йил Чю Тингсян “Байхуа янгиликлар асоси” асарида расман “Яшасин байхуа, тўхтасин вэнян” (“宗白话而废文言”) шиорини ўртага ташлади. Байхуадан фойдаланишнинг “кучни тежайди”, “ўқиб-ўрганиш учун йўл очади”, “болалар таълимига қулайлик беради”, “қалбни чиниқтиради”, “халқни камбағалликдан қутқаради” каби жами саккизта фойдали хусусиятларини санайди, вэнян яшнади, таълим ўлди; байхуа ҳаракатга келди, таълим гуллади, таълим ривожланмас экан бунинг халққа ҳеч қандай фойдаси йўқдир[1;124], дея бонг урди. Янгиланиш тарафдорларидан Чэн Сонггун ҳам байхуани қўллаб-қувватлаш мақсадида газетасини вэняндан байхуага ўзгартиради. Қизиқ томони шундаки, бу каби илғорлар байхуа ва вэнянни бир-бирига параллел қўйган ҳолда, иккаласи ҳам жамиятни янгилаш учун асос бўлиши, байхуадан халқ билимини ошириш, халқ таълимини кучайтириш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин деган ғояни илгари сурганлиги кузатилади. Чю Тингсяннинг “Байхуа янгиликлар асоси” байхуанинг мавқеини кўтариш қаратилган бўлсада, аммо вэнянда битилган. Унда байхуанинг фойдалари, давлатни, халқни билимли қилиши ҳақида гапирилган бўлсада, бу ислохотлар бир шарт билан – бевосита вэнян назорати остида амалга оширилиб, байхуага ҳам ўрин бериши керак эди. Вэняндан юқори синф вакиллари фойдаланишда давом этиши, ҳозирги тилнинг асоси бўлиб қолиши, байхуа эса халқнинг маърифатчилик воситасига айланиши, байхуанинг умум учун осон ва тушунарли хусусиятидан фойдаланиб халқ манфатига хизмат қиладиган ислохотлар қилиши кабилар ғоялар айнан Чю Тингсянга тегишлидир[2;71]. Бу мафкуравий позиция дастлаб бир қатор камчиликларга эга бўлсада, ўта хавfli ҳолатга келиб қолган миллий ва маданий таназул шароитида адабиётни такомиллаштириш ва ҳатто кейинчалик адабий инқилоб учун муҳим назарий манба ва ғоявий парадигма бўлиб хизмат қилди.

Лянг Чичао энг дастлаб адабиёт нуқтаи назаридан байхуанинг аҳамияти ҳақида мулоҳазалар баён қилган шахслардан бири. У “Проза ҳақида” (《小说丛话》) мақоласида шундай ёзади: “Адабиётни ривожлантиришни энг муҳим бир шarti бор, бу эски тилда ёзилган адабиётни барча тушунадиган сўзлашув тилда ёзилган адабиётга айлантиришдир.[3;65]” Лянг Чичао тўғридан-тўғри “вэнян” ёки “байхуа” сўзларини ишлатмайди, уларнинг ўрнига “эски тил”, “сўзлашув тили” каби истилоҳлардан фойдаланган бўлсада, унинг ғоялари ва

ҳатти-ҳаракатлари “шеърият инқилоби”нинг амалга оширилишида муҳим дастак бўлди. Лянг Чичао ўз асарларида замонасида яратилаётган шеърларга алоҳида аҳамият қаратди: “Замонамизда кўплаб шоирлар шеърият билан янги мамлакат яратишга қарор қилдилар. Масалан, Хуанг Гонгдун тўпламининг “今别离” туркумидаги тўртта шеър, “Жаноб Ву Тайнинг умр ҳақида шеъри” кабилар. Бу шеърларда Овропа нафаси сезилмоқда, бироқ янги жумлалар ҳамон оз, улар кўпинча эски услубнинг соясида қолмоқда ва шоирлар улардан қочишни удда қилолмаптилар. Ся Суйчинг (夏穗卿), Тан Ситонг (谭嗣同) янги жумлалар ёзиш йўлини танладилар, уларнинг жумлалари зерикарли ва нўноқдир, Будда муқаддас китобларидаги сўзлар ва овропача сўзлар аралаш-қуралаш қўллангандир...[4;15]”; “Бундай шеърлар ўз вақтида ўзини ўзи мамнун қилишга яради холос, улар ҳали энг зўр шеърга айланмаган эди. Ўша пайтларда мен шеър битишни билмас эдим, устозлардан ўргандим, машаққати кўп қийнаб қўйди.[5;50]”; “Суй Чинг ўзининг самовий, ҳаётий қарашларини одатда шеър ёрдамида ифода қилишни ёқтирар эди. У бир неча ўн шеър ёзган, шеърларининг барчаси ғалати эди... ўша пайтда мен ва Тан Ситонгдан бошқа ҳеч ким тушунмаган. Чунки у жуда кўплаб от туркумига оид янги сўзлар яратди, улар кўпчилик учун умуман тушунарсиз эди.[6;18]” Бу каби мулоҳазалар ўша давр шеъриятида мавжуд тил муаммоларига қаратилган бўлиб, Лянг Чичаонинг шеъриятда рўй бераётган “янги” ҳодисалар борасидаги қарашлари ва илгари сурган ғоялари кейинчалик том маънодаги замонавий шеъриятнинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этди.

Шеърият инқилоби мафкуравий талаблар олдида ўзининг аниқ режалари йўқлигини яққол намоён қилди. Бу айниқса, янгиликлар фақат эски услуб асосида бўлиши керак, деган қарашлар билан боғлиқ эди. Бу шуни англатадики, шеъриятда халқоналик хусусиятлар ва мумтоз шеъриятга хос бўлган шеърий шакл ва ритмик хусусиятлар ўзаро омухталанган ҳолда яхлит барқарор поэтик механизм яратиш ғоясини илгари суриш мақсад қилинади. Аммо янги мазмун ва тилда юзага келаётган ўзгаришлар анъанавий шакл билан мослашишда жиддий муаммолар юзага кела бошлайди ва муваффақиятсизликка учрайди.

Хуанг Зунсяннинг янги шеърий шакллар бўйича олиб борган изланишлари “Янги бадий концепциялар”, “янги жумлалар” ва “эски услуб” ўртасидаги тафовутни йўққа чиқаришда муҳим қадам бўлди. У ўзи тақлиф қилган шеърий шакллар “新体诗”, яъни “янги шаклдаги шеърият” деб номланди. Хитой жанубий ўлкаларида урф бўлган фольклор кўшиқлар туркумига кирувчи

*манци*(弹词 – қадимги анъанавий асосан чертиб чалинадиган мусиқа асбоблари ёрдамида куйланадиган адабий жанр бўлиб Сунг даврида пайдо бўлган ва манжурлар империяси даврида гуллаб-яшнаган) ва юэ-оу (粤讴 – жанубий Гуангдун шеvasида гаплашувчи халқлар орасида кенг тарқалган мусиқа асбоблари жўрлигида куйланадиган адабий жанр бўлиб, мисралар асосан етти бўғиндан иборат бўлган)ларга хос бўлган хусусиятлар янги шаклдаги шеърият учун асос қилиб олинган; шеърнинг мусиқийлигига эътибор қаратилган; мисраларнинг сони ва узун-қисқалигига аниқ чекловлар қўйилмаган; мазмунан тарихийликдан қочиб, мавжуд воқеяликларга асосланган, реал ҳаётни акс эттиришдан иборат бўлган. Лянг Чичаонинг “Янги наср” асарида илгари сурилган ғоялар таъсирида байхуанинг янги тўлқини юзага келди ва катта миқдордаги *Загиё ёки Заоти* (杂歌谣, 歌谣体) жанридаги шеърлар ижод қилинганлиги кузатилади. Бу жанрдаги шеърлар ҳам асосан фольклор қўшиқлари асосида яратилган бўлиб унинг асоси Хан сусоласи даврида пайдо бўлиб ривожланган “Маҳкама шеърияти - юэфу” нинг бир тармоғига бориб тақалади. Турли фольклор намуналарининг машхурлигидан илҳомланган айрим замонавий маърифатпарварлар халқ қўшиқларига хос санъат турларини ўзлаштира бошлади ва янги сўзлар билан тўлдириб, кенг тарқатишди. Замонавий халқ мусиқасига асосланган бу йўналишни “халқ қўшиқларини янгича куйлаш” деб аташ мумкин, бу нафақат янгиланаётган онг инъикоси, балки қуйи табақа вакиллари ғоявий руҳлантирувчи яққол мафкуравий қадрият сифатида ҳам гавдаланди. Ванг Вэнсан “4-май ҳаракати янги адабиётининг этник фольклор манбалари” асарида *загиё*лар кўринишида инқилобий-маърифий услуби юзага чиқарилишининг энг аҳамиятли томонлари қуйидагиларда деб билади: “биринчидан, *загиё* шеърларининг ғояси 4-май маданий инқилобининг мақсадларини ўзида акс эттирди, хаттоки айримлари 4-май янги адабиёт ғоявий инқилобининг аёллар озодлиги каби таклифларига ҳамоҳанг келди; иккинчидан, хитой замонавий болалар адабиётининг ривожланишига туртки берди, болалар қўшиқларига хос шаклда сиёсат ва жамиятдаги муаммоларни ёритишда фойдали ҳаракатларни амалга оширди, 4-май ҳаракатидан кейинги замонавий ёзувчилар учун болалар адабиётининг бош мавзуларини кенгайтди ва ғоявий асосларини белгилаб берди; учинчидан, адабиёт ва инқилобнинг уйғунлиги намунаси сифатида гавдаланди, ҳамда тушунарли, ёрқин, қисқа, туйғуларга бой, нозик маъноли шеърый шакл яратилди.[7;27]”

*Загиё* билан бир пайтда *мактаб қўшиқлари* (学堂乐歌)лар ҳам кенг тарқалди. *Мактаб қўшиқлари* XX аср бошларида урфга кириб янги тизимда очилаётган мактаб ўқувчилари учун махсус яратилган қўшиқлар бўлиб, ҳар қандай дарс соатларида ва мусиқа дарсларида ўқувчилар томонидан куйланган. Бу Япония, Европа ва АҚШда таҳсил олиб қайтган маърифатпарварлар томонидан илгари сурилган бўлиб қўшиқлар шаклан хориж мусқий ва шеърий жанрларига хос, мазмунан ватанпарварлик, меҳнаткашлик, билимга интилиш кабиларга чорлашдан иборат бўлган. *Мактаб қўшиқлари* Хитойда маърифатни ва замонавий жамият сари илдамлашни раҳбатлантирувчи роль ўйнади. Бу борада Лянг Чичаонинг фикрлари аҳамиятли: “бу сулоланинг ҳукмронлигидан бери мусиқий ритм такомилга на олимлар на императорлар қизиқди, шеърият ва мусиқа ҳамоҳанлигига эътибор беришмади. Донишманд одамлар билишадикки, халқнинг сифатини оширишда, шеър ва қўшиқлар руҳий тарбиянинг муҳим шартларидандир.[8;58-59]” Қуйида мактаб қўшиқлари туркумига кирувчи “Ватанварлик қўшиғи” (《爱国歌》)нинг биринчи қисмини мисол тариқасида келтирамыз:

泱泱哉我中华！最大洲最大国，廿二行省为一家。物产腴沃甲大地，天府雄国言非夸。君不见，英日区区三岛尚崛起，况乃堂堂吾中华。结我团体，振我精神；二十世纪新世界，雄飞宇内畴与伦？可爱哉我国民！可爱哉我国民！

*Жанг сари олға, олға менинг Хитойим! Сен энг улкан қитъада энг катта давлат, Йигирма икки ўлканг битта оила. Бойликлари бисёр катта бир замин, Буюклигинг таърифига тилимдир ожиз. Қара, Британия, Япония юксалмоқда кўкларга, Нима камдир юксалмоққа Хитойга. Бирлашайлик, титрасин жон-руҳимиз; Йигирманчи аср бу янги аср, Парвоз қиламыз дунёга, ким сен билан беллаша олар? Кураш, халқим! Кураш, халқим!*

Бу шеър мисралари мумтоз шеъриятга хос бешлик ёки еттилик вазнга мос эмас, ритмик талабларга амал қилинмаган бўлсада, мисраларнинг горизонтал ва вертикал эркинлиги, тилнинг равонлиги шеърнинг мусиқий хусусиятини кучайтиришга ёрдам берган.

Шундай туркумдаги янги услубдаги шеърлар асосан Хуанг Зунсян, Канг Ёвей, Лянг Чичао, Ся Цэнг-ё ва Чю Фэнгжя каби маърифатпарварлар томонидан ижод қилинган. Уларнинг шеърларида халқнинг миллий маънавиятини юксалтириш, жанговар руҳини уйғотишни мақсад қилган маърифий мурожаати яққол кўзга ташланади. Шеърият онтологияси нуқтаи назаридан қараганда, шеърий тилнинг оммабоплиги ва мусиқийлигига урғу берилгани 1911 йил

инқилобига ва ундан кейин қўшиқ услубидаги шеърятнинг туғилишида, “Янги шеърят” ҳаракатининг дастлабки босқичида айрим ритмик шеърларнинг пайдо бўлишида ижобий роль ўйнади.

1905 йилга келиб янги шеърятнинг энг йирик тарғиботчиларидан бўлган Хуанг Зунсян вафот этди, Канг Ёвей, Лянг Чичао, Ся Цэнг-ё ва Чю Фэнгжа кабиларнинг ижодий фаоллиги ҳам бирмунча сусайиб қолганлиги кузатилади. “Адолат” (《清议报》), “Янги халқ” (《新民丛报》), “Янги проза” каби нашларнинг бирин-кетин ёпилиши ортидан шеърят ислохотлари бир муддат тўхтаб қолди. 1905 йил “Хитой альянси”нинг пайдо бўлиши, буржуа-демократик инқилобий ҳаракатининг кучайиши шоирларни инқилобий шеърлар ёзишга чорлади. Шу тариқа шеърят ислохотлари яна қайта жонланди, инқилобга, маърифатга, ватанпарварликка чорловчи шеърлар инқилобнинг энг асосий “қурол”ларидан бирига айлана бошлади. Бу даврда ижод қилган шоирлардан асосан Чю Жэн, Жан Бэнглен ҳамда Жануб инқилобчи шоирлар гуруҳини санаш мумкин. Бу шоирлар халқни уйғотувчи, ватанпарварлик туйғуларни жунбушга келтирувчи ҳарбий ва жанговор шеърлар ёза бошлашди. Шу сабабдан энди шеърят мазмуни ва мавзусига кўра ўзидан олдинги янги шеърятга хос бўлган янги илмий-диний атамалар билан чекланмаган, шаклий жиҳатдан ўта эркин, қатъий қоидалар буткул бекор қилинган босқичга кириб келди. Бундай шеърларнинг ғовий жиҳатлари янада конкретлашгани, империализм, феодализм ва сиёсатга қарши туриш билан бирга инсон эрки мавзуси ҳам мазмунан янги даражага кўтарилганлиги кузатилади. Масалан, Чю Жэн қаламига мансуб “Аёллар ҳуқуқи сари” (《勉女权歌》) шеърисида қуйидаги мисраларни учратамиз[9;341]:

吾辈爱自由，勉励自由一杯酒。男女平权天赋就，岂甘居牛后？愿奋然自拔，一洗从前羞耻垢。愿安作同铸，恢复江山劳素手。

*Озодликни севаман, тотким келар озодлик шаробидан. Эркак-аёл тенглиги илоҳий инъом, токай хўрлик доимий азобидан? Иштиёқим озод бўлсам, шармандалик губорларин ювиб ташласам. Жанна д’Арк маслаги бўлиб, тикласам меҳнатимла Хитойнинг буюклигини.*

## **ХУЛОСА**

Шундай мазмундаги шеърлардан яна учратиш мумкин. Бу каби шеърлар аёллар эрки ва озодлиги учун кураш байроғини кўтариб, хотин-қизлар озодлиги билан миллий озодлик ҳаракатини уйғунлаштирди. Шеъринг инқилобнинг бу трансценденсиялари кейинроқ юзага келган “4-май ҳаракати” янги шеърятига

ҳам мерос бўлиб ўтди ва ривожланди. Шунингдек, бу даврда манзара, саёҳат хотиралари ва шу каби туркумга хос шеърят ҳам тараққиётдан тўхтаб қолмади, улар кундалик, маиший мавзуларда бўлсада, мазмунан келажак сари юзланганлигини кўриш мумкин, шу жиҳатдан ҳам улар “4-май ҳаракати”нинг янги шеърятини илҳомлантира олди ва хитой замонавий шеърятининг ғоявий асоси сифатида майдонга келди.

## REFERENCES

1. 中国科学院近代史研究室近代史资料编辑组编辑，《日本国志·学术志·文学》，《近代史资料》，北京中华书局，1963年版，第116页。
2. 许霆：《五四时期的白话运动和新诗运动》，《文艺争鸣》，2009年第7期，第71页。
3. 陈平原、夏晓虹主编：《二十世纪中国小说理论资料》第一卷 1987-1916，北京·北京大学出版社，1989年版，第65页。
4. 梁启超：《夏威夷游记》，见《中国现代诗歌理论经典》，许霆编，苏州·苏州大学出版社，2007年12月第1版，第15页。
5. 梁启超：《饮冰室诗话》第六十二则，北京·人民文学出版社，第50页。
6. 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，见《饮冰室合集·第五册·文集之四十五（下）》第五册，北京·中华书局1988年，第1版，第18页。
7. 王文参：《五四新文学民族民间资源》，北京·民族出版社，2006年3月第1版，第27页。
8. 梁启超：《饮冰室诗话》第77则，北京·人民文学出版社，1959年4月第1版，第59、58页。
9. 秋瑾：《秋瑾全集笺注》，郭长海、郭君兮辑注，长春·吉林文史出版社，2003年11月第1版，第341页。